



Табароний ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Мусулмон киши қорни тўқ бўлса ҳам, таомга эҳтиёжи бўлмаса ҳам саҳарликда бирорта хурмо ёки бир-икки қултум сув ичиб олса, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларига эргашган бўлади. Зеро, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу у зотнинг «**Саҳарлик қилинглари, саҳарликда барака бор**», деганларини айтган.

???? ?????? ????? ?????? ?????: ?????????????? ????

????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????????????????? ???????: ?????? ?????? ?????? ??????????????

????????????????????? ??????: ??????? ?????????????? ??????.

????????? ?????????????????? ??????????????????????.

????????????????????????? ?????????? ??????????: ??????????????

????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????? ??????????????

?????????????????????. ?????????????? ??????????: ??????? ??????????

????????????????? ??????????????.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саҳарлик қилдик. Сўнгра у зот намозга турдилар», деди. «Азон билан саҳарликнинг орасида қанча бўлар эди?» дедим. «Эллик оят миқдорича», деди».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Насоий ва Абу Довуднинг ривоятида:

**«Саҳарлик емагини лозим тутинглар, чунки у муборак емакдир»,** дейилган.

Абу Довуднинг бир ривоятида:

**«Хурмо мўмин учун қандай яхши саҳарлик!»** дейилган.

Тобеъинлардан Абу Атийя ва Масруклар Оишанинг ҳузурига кириб, «Эй мўминларнинг онаси, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки киши яхшиликда мусобақалашади. Бири ифтор билан (шом) намозни тезлатади. Бошқаси эса ифтор билан (шом) намозни ортга суради», дейишди. Оиша: «Қай бири ифторни ва намозни тезлатади?», деб сўради. «Абдуллоҳ ибн Масъуд», дейишди. Оиша: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар», дедилар. Ифтор ва намозни ортга сурган Абу Мусо эди».

*Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.*

???? ?????? ??????? ??????? ?????? ???????????: ??????

????????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????????? ???

????????????? ?????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????

?????: ??????? ?????????????? ??????: «????????? ????????

????????????????? ??????? ?????????????? ??????????????».

?????????.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (рўзани саҳарлик қилмай,) улаб тутишдан қайтардилар. Шунда одамлар: «Ўзингиз улаб тутасиз-ку?» дейишди. **«Мен сизлардек эмасман. Мен едириб-ичириб туриламан»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

***«Мўминнинг қалқони» китобидан***